O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

ЎШБУ СОНДА:
2 Садоқат тимсолидаги ватанпарварлик
3 Чакана савдо
4 Бехосият ташриф
Порахўрга кирпини узатсанг...

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 17 (524) 2007 йил 1 май сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Ипотекага олувчининг талаблари бўйича ундирув ипотека тўғрисидаги шартномага кўра гаровга қўйилган мол-мулкка суднинг қарори асосида қаратилади, ушбу Қонунга мувофиқ бундай талаблар судга мурожаат қилмасдан қаноатлантирилишига йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно.

Агар ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан йўл қўйилган бузилиши жиддий тусда бўлмаса ва ипотекага олувчи талабларининг миқдори гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматига шу сабабли яққол номутаносиб бўлса, ундирувни ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш рад этилиши мумкин, ушбу Қонуннинг 36-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

«ИПОТЕКА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 38-МОДДА.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида жамият ҳаётининг барча соҳаларида чуқур ислоҳотлар амалга оширилди. Мустақиллик йилларида демократик янгиланиш ва сиёсий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим натижаларга эришилди. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб ўттанидек, "Биз, энг аввало, ҳуқуқий асосни тайёрладик, жамиятимизнинг асосий ақидалари, унинг сиёсий иқтисодий ва маънавий йўналишлари белгилаб берилган Конституциямиз ҳам ана шу асосга қурилган. Биз қонунчилик базасини барпо этиб, бутун давлат тузилмасини ўзгартирдик. У ҳозир бозор мақсадларига жавоб беради".

Дарҳақиқат, жамият ҳаётининг энг муҳим соҳалари каби йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш борасида ҳам муайян қонунчилик базаси яратилди.

Qonunning mohiyati

Йўл ҳаракати хавфсизлиги

УНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида юзага келувчи муносабатларни тартибга солиш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини муҳофаза этишни таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек, атроф муҳитни муҳофаза этиш мақсадида 1999 йил 19 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг **"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"**ги Қонуни мазкур соҳадаги алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатлардан бири саналади. Ушбу Қонун билан: йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви ва тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари; транспорт воситалари эгаларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги мажбуриятлари; йўлларни сақлаш ва таъмирлашга доир талаблар; транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналарига доир талаблар; транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш; йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ бошқа масалаларнинг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳон талаблари ва стандартларига жавоб берадиган, автомобиль транспортида халқаро, транзит ва республика ичида юклар ва йўловчиларни йил давомида бир маромда ва самарали ташишни таъминловчи умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини янада ривожлантириш, шунингдек, йўл қурилишидаги инвестиция жараёни иштирокчиларининг хўжалик муносабатларини мақбуллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 декабрдаги ПҚ-535 сонли Қарори билан **"Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини 2007-2010 йилларда ва келажакда ривожлантириш концепцияси"** тасдиқланди.

Юқоридаги қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этиш борасида соҳада амалий ишлар муваффақиятли кечаётганлигига ҳаммамиз гувоҳмиз. Хусусан, мустақиллик йилларида, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларини водий вилоятлари билан боғлайдиган "Қамчиқ" довонида икки тоннель қурилди. Шу билан бирга "Тошкент-Ўш", "Тошкент-Термиз", "Самарқанд-Бухоро-Олот", "Қўғирот-Бейнов", "Тошкент-Чимён-Чорвоқ дам олиш зонаси" йўналишларида замонавий автойўллар ишга туширилди ва қайта таъмирланди. Тошкент ҳалқа автойўлининг яхлит фаолият кўрсатишига эришилди. Амударё устида замонавий қўшма автомобиль-темир йўл кўприги, йирик аҳоли пунктларини айланиб ўтувчи йўллар, мураккаб транспорт чорраҳалари ва бир қатор бошқа объектлар қурилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида йўл хўжалиги бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, йўл-қурилиш таъмирлаш ишларининг сифатини ошириш, йўл хўжалигини молиявий ресурслар билан таъминлаш ишларини янада жонлантириш мақсадида Президентимизнинг 2003 йил 19 августдаги **"Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"**ги Фармони билан Республика йўл жамғармаси "Ўзавтойўл" ДАК таркибидан чиқарилиб, Молия вазирлиги ҳузурига ўтказилди, бунинг натижасида йўл қурилиши учун ажратилаётган маблағларнинг манзиллилиги таъминланди, Республика йўл жамғармаси маблағларининг самарали, мақсадли ишлатилиши устидан назорат қилиш тизими яратилди, шу билан бирга, аввалги Ўзбекистон Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш давлат акциядорлик концерни негизида Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш Давлат акциядорлик компанияси қайта ташкил этилди.

Ушбу ҳолат ўз навбатида тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди.

Бу борадаги муайян бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш мақсадида Олий Мажлис Сенатининг 2007 йил 29 мартда бўлиб ўтган ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикасининг **"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"**ги Қонуни тасдиқланди ва у 2007 йил 5 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди. Ушбу қонун асосида амалдаги қонуннинг 4, 8-моддаларининг тегишли бандлари мавжуд воқелик билан мувофиқлаштирилди.

Қонунга киритилган ўзгартиришлар ўз навбатида, амалдаги қонуннинг нормаларини такомиллаштириб, уларни янада мукаммал даражага кўтариш ва шунинг натижасида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисаларининг камайишига эришиш, фуқароларимиз ҳаётига хавф солувчи ҳолатларни бартараф қилишга хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига ва йўл ҳаракати қоидаларини, йўл ҳаракатини ташкил этиш масалаларига доир ҳам бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, Президентимизнинг 2001 йил март ойидаги **"Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"**ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 18 майда **"Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисида"**ги 221-37-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор ижроси баробарида Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тизимида туб ислоҳотлар ўтказилиб, янги таркибий тузилма жорий этилди, уларнинг замонавий моддий-техника базаси шакллантирилди, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилиб, ҳуқуқий ва ижтимоий томондан ҳимоялаш кучайтирилди, Ички ишлар вазирлигининг олдинги Давлат автомобиль назорати инспекцияси негизида Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкил этилди.

Шу муносабат билан, янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг **"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"**ги Қонуни билан амалдаги қонуннинг 4, 8, 9 ҳамда 15-моддаларига йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларининг номини янгича ном билан алмаштиришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди.

Шунингдек, мазкур қонун билан амалдаги қонуннинг 21-моддасида, - тегишли тоифалардаги транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини тайёрлашнинг ягона дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланиши, белгилаб қўйилди.

Қонуннинг ушбу моддасига ўзгартириш киритилиши ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"** 2006 йил 28 февралдаги ПҚ-294-сон Қарори ҳамда ушбу қарор талабларини бажариш ва Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш тартибини, шу жумладан, йўловчи ташишда қатнашувчи ҳайдовчилар таркибини тайёрлаш ва ўқитиш қоидаларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"**ги 2006 йил 2 августдаги Қарори билан мувофиқликни келтириб чиқаради.

Қонунчиликдаги ушбу ўзгартишлар йўловчилар ташишда иштирок этувчи транспорт ҳайдовчиларини ўқитиш, қайта тайёрлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини назарий ва амалий тарзда синовдан ўтказиш ва ҳайдовчилик гувоҳномаси беришнинг бугунги кундаги мавжуд қоидаларини такомиллаштириш, шу жумладан, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжат олиш учун ўқитиш бўйича мураббий устозларга нисбатан қўйиладиган малака талабларини ошириш мақсадида ягона дастур асосида ўқитишни жорий этишни кўзда тутади.

Ҳозирда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, Автомобиль мактаблари, "Автоҳаваскорлар клуби", транспорт йўналишидаги ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида транспорт воситалари ҳайдовчилари ҳар хил муддатда, ҳар хил режа ва дастур асосида ўқитилиб келинмоқда. Бу эса, тайёрланаётган ҳайдовчиларнинг малака ва кўникмалари савиясининг ҳар хиллигига ва сифат даражасининг пасайишига сабаб бўлаётир. Бугунги кунга қадар Халқ таълими вазирлиги томонидан намунавий дастурлар тасдиқланиб келинган бўлса, эндиликда тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлашнинг ягона дастурлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ички ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Бугун олдимизда, мамлакатимизнинг йўллар билан боғлиқ инфратузилмасини жаҳоннинг энг илғор ва замонавий андозаларига мос ҳолатга чиқаришдек муҳим вазифа турибди. Ушбу вазифани бажариш, ўз навбатида Республикамизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни самарали тартибга солишга ёрдам берадиган ва халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда демократик талабларга мос бўлган қонунчилик тизимини яратиш ва уни доимий тарзда шакллантириб боришни тақозо этади. Шу жиҳатдан олганда, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир қонунчиликни янада шакллантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг **"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"**ги Қонунини бу борада амалга оширилаётган изчил сиёсатнинг мантиқий давоми сифатида эътироф этиш мумкин.

Жавлон АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Adliya xabarlari

Вазифалар белгиланди

Мустақиллик йилларида ҳар бир йилга ном бериш, шу орқали ижтимоий масалалар ечимига йўл топиш яхши анъанага айланди. 2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили", деб номланиши аввалги йилларда бошлаган хайрли ишларимизни давом эттириш имконини яратди.

2007 йил 30 апрель куни Адлия вазирлигида бўлиб ўтган **"Инсон манфаатлари — давлат ҳимоясида"** мавзусидаги семинар-форум Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги **"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида"**ги ПҚ-573-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросига бағишланди.

Семинар-форумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Хотин-қизлар қўмитаси, бир қатор вазирликлар, давлат қўмиталари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан маърузачилар томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўламини янада кенгайтириш ва кучайтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига муҳтож тоифалари, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Бирор-бир ислоҳотни жадаллаштириш учун биринчи навбатда мукаммал ишлаб чиқилган қонунчилик базаси бўлиши лозим. Шу боис ҳам "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида амалдаги ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган янги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда амалдагиларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, аҳолининг ночор қатламига ёрдам кўрсатишда табақалаштирилган ва манзилли ёндашувни амалга ошириш вазифаси белгиланган.

Мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида турли вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар вакиллари таркибида ишчи гуруҳи ташкил этилиб, мазкур ишчи гуруҳи томонидан Дастур ижросини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг **"Ҳомийлик тўғрисида"**ги ва **"Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида"**ги қонунлари Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланди. Мазкур қонунлар аҳолининг ижтимоий ҳимоясига ҳомийлик маблағларини йўналтириш ва унинг самарали ишлатилишини таъминлаш, шунингдек, йод танқислиги борасида инсон организмида келиб чиқадиган турли касалликларнинг олдини олишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳлари томонидан ижтимоий ҳимоя масалаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинадиган Фармон ва қарорларда ўйғунлаштириш мақсадида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2007 йил 19 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармоннинг 4-бандида ночор оилаларга маҳаллалар томонидан моддий ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам ўз аксини топган.

Ҳозирда, Ўзбекистон Республикасининг **"Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги, **"Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги, **"Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касбий касалликлардан давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида"**ги ва бошқа бир қанча янги қонунларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига киритиш кўзда тутилган.

Шунингдек, тадбирда жойлардаги адлия органлари ва муассасалари томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, "Ижтимоий ҳимоя йили"нинг мақсад ва моҳиятини, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан 1300 дан ортиқ ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Семинар-форум иштирокчилари томонидан "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури борасида амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш, шунингдек, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифа ва йўналишлар ҳақида келишиб олинди.

«Инсон ва қонун»га жавоб берадилар

Хат ортида инсон бор

Бу ибора қачон ва қай бир журналист томонидан айтилиб, илк марта қайси газета саҳифасидан ўрин олганини ҳеч ким билмаса керак. Лекин бугунга келиб, у журналистиканинг ёзилмаган қонунига айланиб улгургани бор гап. Одатда фуқаролар айрим ташкилот ва идоралар эшигини қоқиб, баъзан қўл остидагиларнинг дарду ҳасратига панжа орасидан қаровчи раҳбарларнинг муомаласидан ҳафсаласи пир бўлса, таҳририятга шикоят йўллашади. Таҳририят хатқутисига келиб тушган хатлар эса ҳеч қачон эътиборсиз қолдирилмайди. Уларнинг айримлари сараланиб, газета саҳифаларида чоп этилса, айримлари текшириб, чора кўриш учун тегишли идораларга жўнатилади. Гапнинг индаллосини айтганда, имкон қадар бизга ишониб, биздан ёрдам сўраб мурожаат қилган газетхоннинг дардига дармон бўлишга ҳаракат қиламиз.

Албатта, танқид ҳаммага ҳам ёқавермайди. Газетада кимнидир танқид қилсангиз, албатта, биров раҳмат дейди, яна биров эса...

Лекин ёзган мақолангиз туфайли кимнингдир оғири енгил бўлиб, қаердадир эгилган ҳақиқат тикланса, журналист учун бундан аълороқ мукофот йўқ. Қолаверса, бу таҳририятнинг ҳам ютуғидир. Биз бугун ўқувчиларимизни газетхонларнинг ариза-шикоятлари асосида тайёрланиб, газетада чоп этилган мақолаларга келган жавоблар билан таништирамиз.

ЧОРА КЎРИЛДИ

(«АНТИҚА ҚАРОР» 2007 йил 13 февраль)

Давлат-тижорат Халқ банки Сирдарё вилоят филиали «Антиқа қарор» сарлавҳали мақола бўйича қуйидагиларни маълум қилади.

Халқ банкининг Сирдарё вилояти филиали мазкур мақолада қайд этилган ҳолат юзасидан Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг 2007 йил 19 январдаги №109-сонли тақдимномасига асосан 2007 йилнинг 1 февралида Халқ банки Сирдарё вилояти туман ва шаҳар филиал бошқарувчилари ва бош бухгалтерлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда қабул қилинган қарорга биноан, Халқ банки Гулистон шаҳар филиалининг 2006 йил 1 январдаги 16-сонли буйруғи бекор қилиниб, ушбу тартиббузилиш ҳолатларига йўл қўйган филиал бошқарувчиси А.Султоновга нисбатан интизомий жазо чораси кўрилиши тўғрисида Халқ банки бошқарувига тақдимнома киритилиб, киритилган тақдимномага биноан Халқ банки бошқарувининг 21-сонли буйруғига асосан 50 фоиз миқдорида жарима қўлланилиб, ушбу ҳолат бўйича барча туман, шаҳар филиал бошқарувчилари ва бош бухгалтерлари келгусида қонун талабларига ва ижро интизомига қатъий риоя этилиши тўғрисида огоҳлантирилди.

Ш.С.УСМОНОВ,
Давлат-тижорат Халқ банкининг Сирдарё вилоят филиали бошлиғи

ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

(«ҚИМИРЛАГАН ҚИР ОШАР» 2007 йил 20 март)

Газетанинг 11-сонида «Қимирлаган қир ошар» сарлавҳаси остида чоп этилган мақола юзасидан «Сайхунобод туман машина трактор парки» ОАЖда акциялар чиқарилиши ва жойлаштирилиши, акциядорларга дивиденд маблағлари ҳисоб-китоблари амалга оширилиши ноўшма мутахассислари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва ўрганиш натижаларига кўра, муҳокама йиғилиши ўтказилиб, «Сирдарё вилоят МТПлар бирлашмаси» ОАЖга Сирдарё вилояти Давлат мулк бошқармаси билан биргаликда тизим корхоналари иштирокида акциядорлар жамиятларида коорпоратив бошқарув, қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ўқув семинарларини ўтказиш, дивидендларни ўз вақтида тўлаб бериш, корхона самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жамиятнинг иккинчи эмиссиясида эълон қилинган акцияларни чиқариш ишларини охирига етказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Х.ИШМУРАТОВ,
«Ўзагромашсервис» ушмаси раиси ўринбосари

ПРОТЕСТ КИРИТИЛДИ

(«ОДАМЛАР НЕГА ШИКОЯТ ЁЗАДИ» 2007 йил 20 март)

Мақолада қаламга олинган Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судида «Аҳмад Яссавий» уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан ноқонуний қурилмани бузиш ҳақидаги фуқаролик иши ҳалигача ҳал қилинмаётганлиги юзасидан қуйидагилар маълум қилинади.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2006 йил 15 сентябрдаги ажрими билан даъвогар «Аҳмад Яссавий» уй-жой мулкдорлари ширкатининг жавобгар «Аҳмад Яссавий» фуқаролар йиғинига нисбатан ноқонуний қурилмани бузиш ҳақидаги даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган.

Ҳозирда суднинг мазкур ажримини бекор қилиш хусусида 26.03.2007 йилда Собир Раҳимов туман прокурори томонидан кассация тартибида хусусий протест келтирилганлиги маълум қилинади.

Б.Б.ВАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар прокурори, адлия катта маслаҳатчиси

ИНТИЗОМИЙ ИШ ҚЎЗҒАТИЛДИ

Косонсой туман прокуратураси томонидан газетанинг 11-сонида чоп этилган **«Одамлар нега шикоят ёзади»** сарлавҳали мақола юзасидан текшириш ўтказилди.

«Гулистон-2» маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Зокиров ўзининг эгаллаб турган вазифаси нуқтаи назаридан ака-ука Абдуҳамидовларнинг ота-оналаридан қолган ҳовлини бўлиш гарчанд унинг ваколатига кирмаса-да, бунга аралашиб, уларнинг жанжалларини тўрт йил давомида бир неча бор муҳокама қилган. Унинг хабардорлигида С.Абдуҳамидов томонидан девор қурилиб, ота-онаси яшаб келган уй-жой иморати ва ер майдонининг бир қисми ўз турар-жой ҳовлисига қўшиб олинган, натижада ака-укалар ўртасида жанжал кучайиб кетган.

Ўтказилган текшириш якунларига кўра, туман прокурори томонидан «Гулистон-2» маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Зокировга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди, фуқаро М.Абдуҳамидовга ота-оналаридан қолган мерос ҳовли-жой низосини ҳал этиш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари тушунтирилди.

К.Х.МАМАТОВ,
Наманган вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

Oramizdagi odamlar

Садоқат тимсолидаги ватанпарварлик

... Бир кун келиб суюкли турмуш ўртоғидан бевақт жудо бўлишини Жамила опа ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди. Начора, шундай бўлди. Қазои-муаллақ эндигина элликдан ҳатлаган умр йўлдоши — Искандар акани орадан олиб кетди.

Ниҳоятда истеъдодли ва садоқатли инсон эди, у киши. Яхшилар ҳаммага, ҳатто Яратганга ҳам керак, дейишади. Бу гапда жон бор. Балким, шунинг учундир, катта оилада ҳамма, улар қатори Жамила опа ҳам хонадон соҳибига қаттиқ боғланиб қолишганди.

... 80 йиллар. Ҳали собиқ мамлакатнинг биронбир бурчида расм бўлмаган, аммо овозаси эндигина қулоққа чалиниб келаётган янгича ижара ва пудрат усулини биринчилардан бўлиб жорий этишга Искандар ака раҳбарлик қилаётган собиқ «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги деҳқонлари журъат қилишди, десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон истиқлоли айёмида фермерлик ҳаракатининг илк босқичи сифатида эътироф этилган ушбу усулнинг шакл-шамойилларини яратган ҳур фикрли инсонлар, раҳбар, ишбошилар, мутахассислар сафида зукко иқтисодчи Искандар Искандаров ҳам бор эди.

Бироқ кечмиш аср ниҳоясида оғир хасталик жамоа хўжалиги раҳбари Искандар акани оёқдан чалди. Шу боис раисликни ташлаб, оилавий фермер хўжалигига асос солишни ният қилди. Ишбилармонлик, айниқса, қишлоқ тадбиркорлигини қўллаб-қувватловчи қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари, одамлар дилида уйғонган ишонч ва умид туйғулари уни ниҳоятда тўлқинлантирар, илҳомлантирар, ҳатто бундай кезларда хасталигини ҳам унутиб, дилига жо бир олам орзу-армонларни рўёбга чиқаришга интилар эди.

Лекин орзулари ора йўлди қолди. Янгичасига яшаш ва ишлаш ҳисси аллақачон эрининг оромини ўғирлаганини Жамила опа яхши биларди. Шу боис суюкли ёрининг руҳини шод, айтганларини вожиб этиш, унга бўлган садоқатини эса ишда исботлашга маҳкам бел боғлади. «Жамила жудолик аламини меҳнатдан олаяпти», — дейишди ўшанда аёлнинг ғайрати, матонати, важоҳатини кўрган ҳамқишлоқлари.

Ерни алдаб, ҳосил ундиришга жаҳд қила кўрманг. Аввалига унинг меҳнатини ўрнига қўйинг, талабини бажо келтиринг, ҳар бир қаричига меҳрингизни беринг, омилкорлигингизни амалда кўрсатинг, шундан сўнггина ҳосил ва даромадга умид боғланг. Меҳнатнинг ҳалоли — шу. Ҳалол меҳнат бисёр жойда қут-барака кўркам натижа ҳам бисёр. Меҳнати ҳалол кишиларнинг эса тили бурро, қўли узун.

Жамила опа орзу-ўйларини амалга ошириш ниятида «Искандар ота» деб номланган фермер хўжалигига асос солар экан, ана шу эзгу ҳиссиётни бошдан ўтказди. Эридан келган обрў-эътиборга ҳам, таниш-билишларга ҳам суянмади. Обрў-эътибор, мулкбисот аталмиш «хазина»ни қайноқ меҳнат жабҳасидан излади.

Ният холис, қадамлар дадил ва залворли бўлса, юрар йўлинг чароғон тортиб, орзулар рўёбини кўравераркансан.

2005 йилда сафга қўшилган «Искандар ота» фермер хўжалиги энди Боғотнинг энг пешқадам тадбиркорлик ўчоқларидан. Хўжалик ривожланиш йўлида. Оила маблағига орқа қилинган даврлар аллақачон ўтиб кетган. «Дастлабки йили шаклланиш палласи бўлгани боис, фермер хўжалигини биз суядик, мана иккинчи йилдирки, у бизни — оиламизни, элимизни суямоқда», дейди опа орзулари воқеликка айланаётганлигидан мамнун ҳолда.

2005 йили Жамила Қурбонова 50 гектар ерга талабгор бўлиб майдонга чиқди. Танловда ғолиб келиб, ўз фермер хўжалигини тузиш ва ерга эгалик ҳуқуқини қўлга киритди.

Қишлоқда ўсиб, деҳқончилик ҳадисини олган, иқтисод ва раҳбарлик сирсиноатини эридан ўрганган фермер аёл ерни «тўйдириш»дан кўра, талабини қондиришга кўпроқ интилди. Бинобарин, ерни «тўйдириш» билан «талабини қондириш» ўртасида талай тафовут борлигини деҳқонман, деганнинг бариям англайвермайди. Ерни минерал ўғити билан тўйдиришдан кўпам наф йўқ. Хоразм шароитида заҳкаш қазиб, ер ости сувлари сатҳини пасайтиришнинг ўзи далани ўн марта озиқлантиргандан кўра кўп афзал эканлигини фарқламоқ даркор. Сув йўллари текис ва равон, техника-ю, ишчи кучлари ҳозиру-нозир турса, ернинг «дарди» арийверади. Фермер опа ушбу таомилга суянди. Натижа шу бўлдики, фермерликнинг дастлабки йилидаёқ даромад кўлами осмонга ўрлаб, ҳаражатлар унинг «ярим йўли»да қолиб кетди. Яъни соф даромад — рентабеллик кўрсаткичи 7 миллион сўмни ташкил этди. 30 гектар пахтазор, 20 гектар ғаллазордан келган сармоя шу бўлди. Иш ютуқдан бошланса, ғайратинг ошар, илҳоминг тошаркан. Демакки, фермер тўғри йўлда. Шу боиски, фермерликнинг иккинчи йили янада дадил ҳаракат қилди, ишонч ва ихлос билан ишлади. 50 йил муддатга ижарага олинган 50 гектар ернинг қаровини тағинда кучайтириш пайида бўлди. Шу ўринда кейинги йилнинг имкон ва истиқболи дастлабки йилдагидан анча катта бўлганлигини ҳам таъкидлаш керак. Нега деганда, биринчи деҳқончилик йили сармояси хўжаликнинг моддий-техникавий имкониятларини сезиларли даражада ортишига гаров бўлди. Натижада фермер хўжалигига қарашли тракторлар сони 2 тага етди. Хўжалик ўз сув насосига эга бўлди. Ҳамқишлоқларга 25 та янги иш ўринлари таклиф этилди. Бу ҳам ўз натижасини кўрсатди. Ўтган йил пахта майдонларининг ҳар гектаридан 30, ғаллазорлардан 50 центнердан ҳосил йиғиб олиш билан якунланди. Дастлабки йил сармояси фермер хўжалигининг ўзини ривожлантиришга йўналтирилган бўлса, кейинги йил даромади қишлоқ маданияти, турмуш ободончилигини кўтаришга харжланди. Эндиликда Кулон Қорабоғ қишлоғининг ўз кўркам тўйхонаси бор. Бу — фермер хўжалигининг қишлоқдошларга инъоми.

— 2007 йили 33 гектар майдонда ғўза парвариш қиляпмиз. Туман пахта тозалаш корхонаси билан контрактация шартномасини тузганмиз, 17 гектар ерда парваришланаётган буғдой ҳосилдорлигини 50 центнердан ошириб олмоқчимиз, — дейди Жамила опа ишонч билан. — Агар ниятимиз ижобат бўлса, келган сармояга анчадан буён фарзандларимиз қатнамай қўйган эски болалар боғчаси биносини сотиб олмоқчимиз. Ниятимиз — уни қайта таъмирлаб, яна боғчага айлантириш. Шу баҳона уйда фарзанд тарбиясидан боши чиқмаётган қиз ва келинчакларимизни ҳам далага «ҳайдамоқчимиз». Ахир уйда ўтиргандан кўра, далада қувнаб-яшнаб, очилиб-сочилиб меҳнат қилганига нима етсин?

— Нима, бутун боши боғча ўз неваларингиздан ортмайдими?

— Йўғ-е, у бутун қишлоқ болаларига аталган. Бироқ гапингизда жон бор. Ўзимиз ҳам озчиликмасмиз. Давлат, жамоат ва фермер хўжалигимиз юмушларини бажараётган 5 нафар ўғил-келинларим, 3 нафар қиз-куёвларимни ҳам ўйламай бўладими? Фарзандлари боғчада бўлишса, кўнгиллари тўқ, иши унумли бўлади.

Деҳқончилик бобидаги маҳорат ва омилкорлик Жамила Қурбоновага марҳум турмуш ўртоғи Искандар Искандаровдан «юққан», дедик. Лекин бундай салоҳиятни у ўз навбатида бошқалар, хусусан, фарзандларига ҳам «юқтирган», десак яна ҳам ўринли бўлади. Негаки, бугун ўғли Адҳам Искандаров ҳам фермер, 25 гектар майдонда ўз ичига олган «Маъруф-Латофат» фермер хўжалигини бошқаради. Унинг ишлари ҳам авжида, омилкорлигу-уддабуронлигига гап йўқ. «Онамдан ўзаман», дейди. Шу боиски, унга муносиб рақобатчи.

Уларнинг ишига четдан разм солган киши оталар анъанасига нисбатан фарзандлар садоқати-ю содиқлигининг ажойиб намунасини кўради. Зеро, оила ҳам, заминимиз саҳнидаги кичиккина фермер хўжалиги ҳам, унда тер тўкиб меҳнат қилгувчи кишилар ҳам ватан ичра яна бир кичик ватан, қалбимиз ва вужудимизнинг ажралмас бўлаги. Бундан чиқди, оталар ишини давом эттириш, ўгит ва васиятларини рўёбга чиқариш йўлида ташланган ҳар бир қадам наинки, оила анъаналари, балки, ватанга, халққа, истиқлолимиз тамойиллари, юртбошимиз ғояларига нисбатан садоқат ва фидойиликнинг ёрқин ифодаси. Уни садоқат тимсолида намоён бўлаётган ватанпарварлик, деса яна ҳам тўғри бўлади.

Бу янглиғ ватанпарварлик ҳаётда аллақачон ўзини оқлаган ишбилармонлик ва омилкорликлар, фермерлик ҳаракати тимсолида ҳам намоён бўлмоқда.

Муҳаббат БЕКЧОНОВА,
Республика «Ташаббускор аёл» Маркази Хоразм вилоят бўлими раҳбари
Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Adliya xabarlari

Нашриёт фаолияти таҳлили

2007 йил 27 апрель куни Адлия вазирлигида "Адолат" нашриёти фаолиятини ўрганиш натижаларига бағишланган Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Адлия вазири Ф. Отахонов бошқарди.

Ҳайъат мажлисида "Адолат" нашриётининг 2006 йил ва 2007 йилнинг биринчи чораги давомидаги фаолияти таҳлил қилинди. Хусусан, ноширлик, иш юритиш, ижро интизоми, ходимлар бўлимининг иши ва молия хўжалик, фаолиятларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Нашриёт ҳуқуқий адабиётларни нашр этишга ихтисослаштирилган бўлиб, асосий вазифаси республика аҳолисининг ҳуқуқий савиясини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида юридик фанлари бўйича таълим олаётган талабалар, корхона, муассаса ва ташкилотларни ҳуқуқий адабиётлар ва нашрлар билан таъминлашдан иборатдир.

Ўтган давр мобайнида кўрсатиб ўтилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда нашриёт томонидан бир қатор китоблар нашр этилган. **«Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқий назарияси асослари», «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами», «Истиқлолнинг залворли қадамлари: ҳуқуқий демократик давлат сари», «Ота-оналар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари», «Ўзбекистон Республикаси кодекслари», «Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органларида иш юритиш тартиби ҳақида Йўриқнома»** каби ҳуқуқий йўналишдаги адабиётлар шулар жумласидандир.

Бинобарин, Ҳайъат мажлисида нашриёт томонидан йўл қўйилган бир қатор хато ва камчиликлар танқидий кўриб чиқилди. Хусусан, чоп этилган баъзи адабиётлар давлат стандарти талабларига жавоб бермаслиги таъкидлаб ўтилди. Бундан ташқари, 2006 йил мобайнида нашриёт иш режасида белгиланган нашрлардан фақатгина 4 таси ёки 22 фоизи чоп этилган, холос. Шунингдек, режали нашрларни белгиланган муддатда чоп этмаслик ҳолати ҳам мавжуд.

Нашриёт молия-хўжалик фаолиятида, иш юритиш, ижро интизоми ва кадрлар билан ишлаш масалаларида ҳам талайгина хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги қайд этилди. Уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинди ва бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлис якунида, "Адолат" нашриётининг келгуси фаолиятини такомиллаштириш юзасидан Концепция ишлаб чиқиш тавсия этилди.

2007 йил 26 апрель куни Адлия вазирлигида Венеция жиноят ишлари бўлимининг криминалист-адвокатлари делегацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши муносабати билан айрим қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ташкил қилинган Адлия вазирлиги ишчи гуруҳи ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Самарали ҳамкорлик

Учрашувда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинган кундан бошлаб, Адлия вазирлиги ва унинг органлари фаолиятида янги босқич бошланганлиги таъкидлаб ўтилди. Биринчи навбатда ҳуқуқий-демократик давлатни шакллантиришга қаратилган Адлия вазирлигининг давлат ҳуқуқий сиёсатини олиб бориш бўйича роли сезиларли даражада ўсди. Учрашувда меҳмонларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"**ги Фармони қабул қилинганидан сўнг халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсоннинг яшашга бўлган ҳуқуқини белгиловчи ва мустаҳкамловчи нормаларидан келиб чиқиб, шахсларни ўлим жазосига ҳукм қилиш тўғрисидаги биророрта ҳукмнинг ижроси амалга оширилмаганлиги айтиб ўтилди. Бинобарин, ҳозирги вақтда 2008 йил 1 январгача бўлган давр учун ўлим жазосига нисбатан мораторий амалда мавжуд. Италиялик адвокатлар Адлия вазирлигининг қонун ижодкорлиги фаолияти билан, хусусан, мустақиллик йилларида 15 та кодекс ва 400 дан ортиқ қонунлар қабул қилинишида вазирликнинг роли билан ҳам танишишди.

Бундан ташқари, меҳмонларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш Марказининг фаолияти, хусусан, ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил қилиш, ўзгартирилаётган ва янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шу жумладан, прокуратура ва суд идоралари, Адлия вазирлиги тизимига кирувчи органлар, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари амалиётида қай даражада ижро этаётганлигини мониторинг қилиш борасидаги ишлари тушунтириб берилди.

Ўз навбатида Венециянинг жиноят ишлари бўлими адвокатлари ўзларини қизиқтирган мавзулардаги, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг суд тизими тўғрисида, судларнинг ўрни ва ихтисослашуви, суд ишларини кўриб чиқиш муддатлари, жиноий жазоларнинг турлари ва жиноятчиларнинг тоифалари, судьяларнинг сони тўғрисида саволлар беришди ва қониқарли жавоблар олишди.

Учрашув якунида тарафлар унинг натижаларидан мамнун эканликларини билдириб, келгусида ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олдилар.

Fermer savol beradi

Кичик бизнес субъектлари

— Кичик бизнес субъектларига Қонунчиликда бир қанча имтиёзлар назарда тутилган. Кичик бизнес субъектларига кимлар киради?

А.БОЛТАЕВ,
Андижон вилояти

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунинг 5-моддасида кичик тадбиркорлик субъектларига қуйидагилар кириши кўрсатилган:

- якка тартибдаги тадбиркорлар;
- ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар;

Қуйидаги тармоқлардаги:

- енгил ва озиқ-овқат саноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатидаги банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши;
- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши;
- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар.

Микрокредит олишингиз мумкин

— Мен, АТ "Микрокредитбанк"идан чорвачиликни ривожлантириш учун кредит олмоқчиман. Бунинг учун нима қилишим керак?

Т.ХУДОЙНАЗАРОВ,
Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2.05.2006 йилда 1568-сон билан Давлат рўйхатига олинган **"Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида"**ги Низомга кўра, Сиз банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишингиз керак.

1) чорвачиликни ривожлантириш учун микрокредит беришни сўраб ёзилган ариза;

2) маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини Кенгашларининг ушбу микрокредит олувчи жисмоний шахсга чорвачиликни ривожлантириш учун банк томонидан микрокредит берилишига тавсияномаси;

3) микрокредитнинг қайтарилиш таъминоти ҳақидаги қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат.

Бундан ташқари, жисмоний шахс ёки деҳқон хўжалиги бошлиғи ўз паспортини шахсан кўрсатади ва паспорт нусхасини кредит йиғмажилдига тикиб қўйилади. Деҳқон хўжалигини давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги рўйхатга олувчи орган томонидан берилган гувоҳноманинг нусхаси ҳам кредит йиғмажилдига тикиб қўйилиши талаб этилади.

Саволларга Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ходимлари С.МАХАММАДИЕВ ва Ш.АМИНҚУЛОВ жавоб бердилар

Dakki

Солиқлар — иқтисодиётимиз таянчи

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида солиқ сиёсатининг муҳим ўрни бор. Шундай экан, солиқларни ўз вақтида тўлаш ҳам маълум маънода ватанпарварликка киради. Аммо ҳаммаям буни тўғри англаб етмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 291 ҳамда 415-сонли қарорларига асосан, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, ундан қочишнинг эҳтимол тутилган йўллари ва механизмларини, яширин иқтисодиёт, коррупция ҳоллари шаклланиши йўлларини аниқлашга қаратилган самарали тезкор таҳлил, қидирув ишларини ташкил этиш ҳамда олиб бориш Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг зиммасига юклатилган.

Департаментнинг Вобкент туман бўлими томонидан ҳам мазкур қарорлар ижросини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган 2006 йилдаги маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, солиқ соҳасидаги жиноятлар сони анча ортди. Айниқса, солиқ тўловларини камайтириб кўрсатиш, солиқ тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаш ҳолатлари кўп кузатилди. Жумладан, бўлим томонидан 5 та ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, унинг натижаси ўлароқ, жиноят ишлари бўйича 42267, 4 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланиб, шундан 16503,2 минг сўм бюджетга ундирилди. Шу билан бир қаторда, хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан 7566,1 минг сўм молиявий жарималар қўлланилди. Шундан 2903,1 минг сўми бюджет ҳисобига ўтказилди.

Етказилган зарар ва қўшимча ҳисобланган солиқни қоплаш мақсадида айбдорлардан 8138,9 минг сўм нақд пул олиниб, банк муассасига топширилди.

Таъкидлаш жоизки, солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлаганлик ва солиқ қонунчилигига риоя этмаганлик учун жавобгарлик муқаррардир. Шундай экан, фуқароларимиз ҳамиша ўз зиммаларидаги масъулиятни унутмасликлари керак. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан аҳоли ўртасида ўтказиладиган профилактика тадбирлари сонини янада ошириш ҳам муҳим роль ўйнаши шубҳасиз. Негаки, фуқаролар ҳуқуқий онгини ошириш эндиликда давр талабига айланди. Лекин кузатишлар жараёнида шундай ҳоллар ҳам аниқланмоқдаки, баъзи бир фуқаролар жиноятга ўзлари билган ҳолда қўл уришмоқда. Айнан шундай одамлар тоифасига мансуб Шавкат Ғуломов «Шерзодбек Шавкат ўғли» хусусий корхонасига раҳбарлик қилади. Корхона томонидан 2003-2004-2005 йилларда 79047,7 минг сўмлик товар айланмаси амалга оширилган. Бироқ корхона раҳбариятининг туман Давлат солиқ инспекциясига тақдим этган ҳисоботларида мутлақо бошқа рақамлар акс этган. Унда корхона товар айланмаси 48722,8 минг сўм қилиб кўрсатилган. Яъни ҳақиқий суммадан 30324, 9 минг сўмга камайтириб кўрсатилган. Бу давлатга 2430,7 минг сўмлик солиқ тўлашдан қасддан бўйин товлаш, демакдир.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув-тергов ҳаракатлари олиб борилди.

Суриштирув даврида раҳбар Ш.Ғуломов корхона томонидан Навоий вилояти Учқудуқ шаҳар қўриқлаш бўлимида бажарилган 16800,0 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари ҳамда 13524,9 минг сўмлик товар айланмасини ҳисоботдан яширганлиги аён бўлди.

Кўра била туриб, давлатга зиён етказган қонунбузар раҳбар Ш.Ғуломовдан 3519,0 минг сўм нақд пул ундирилиб, банк муассасасига топширилди. Ёки яна бир шунга ўхшаш ҳолат «Шерзод Зарина» МЧЖ фаолияти юзасидан тўпланган маълумотлар асосида 2005 йилнинг 11-13 май кунлари якуний текширишлар ўтказилган эди. Таҳлилларга асосан жамият фаолияти тугатилган бўлса-да, «Шерзод Зарина» МЧЖ раҳбари М.Каримов «ким билиб ўтирибди, текширишди, кетишди-да», деган ўйда фаолиятини «енг ичида» яширин тарзда давом эттираверди. Бироқ текширувлар жараёнида 2005 йилнинг июнь-сентябрь ойларида 24221,0 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги ва Ғиждувон туманидаги А.Ғиждувоний очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига топширилганлиги аниқланди. Шу йўл билан жамият раҳбари М.Каримов 24221,0 минг сўмлик товар айланмасини амалга оширган бўлса-да, товар айланмаси ва жамият иш фаолиятини яшириш оқибатида 3127,0 минг сўмлик солиқларни тўламасдан, давлат бюджетига жуда кўп миқдорда зарар етказган.

«Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади», деган нақл бор. Ноқонуний ишга қўл урган Мурод Каримовнинг қилмишлари қонуний баҳоланди. Унга нисбатан Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ва тергов ҳаракатлари ўтказилди. Қонунбузар М.Каримовдан 3187,0 минг сўм пул ундирилиб, банк муассасасига топширилди. Департамент ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан яна бир жиноят ildизига болта урилиб, қонунийлик таъминланди.

Қодир НИЗОМОВ,
Бухоро вилоят прокуратуси бўлим прокурори,
Лолахон МАНСУРОВА,
журналист

Алоқалар ривожи

жамият тараққиётига хизмат қилади

Шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётган глобаллашув замонида ҳаётимизнинг бирор-бир жабҳасини — бу ишлаб чиқариш ёки ижтимоий соҳа бўладими, жамоатчилик фикрини шакллантириш бўладими — уларнинг бирортасини оммавий ахборот воситалари маҳсулотисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Жамиятнинг изчил ривожи учун, шубҳасиз, жамоатчилик билан ОАВ ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш зарур. Матбуот хизматлари институти бу вазифаларни амалга оширувчи муҳим бўғин ҳисобланади. Чунки, матбуот хизматларига бошқа мажбуриятлар билан бирга оммавий ахборот воситалари билан алоқада бўлишдек масъулиятли вазифа юклатилган.

Аҳолини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларини Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолияти, мамлакатда изчил амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар тўғрисида хабардор қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида 2006 йил 22 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг **"Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги 203-сонли қарори қабул қилинган эди.

Мазкур қарорнинг 1-бандига асосан, вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бошқаруви органлари таркибида ходимларнинг умумий сони доирасида ахборот хизматлари ташкил этилиб, қуйидагилар уларнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- идора раҳбарияти томонидан белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш;
- идора фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг миллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини таъминлаш;
- миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида идора фаолиятининг долзарб жиҳатларини, тегишли соҳадаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларини ёритиш;
- интернет тармоғида идора веб-ресурсларини ташкил этиш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш;
- идора фаолиятига нисбатан ижтимоий фикрнинг аҳволини ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари позициясини таҳлил қилиш ва улар тўғрисида идора раҳбариятини хабардор қилиш.

Қарор талабларини бажариш мақсадида, Адлия вазирлигида Ахборот хизмати ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнида Ахборот хизмати томонидан вазирликда бўлиб ўтган 20 га яқин турли хил тадбирларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши таъминланди.

Шунингдек, ушбу тадбирлар суратга туширилиб вазирликнинг суратлар альбоми яратилди ва видеотасвирга олинган барча тадбирларнинг видеоархиви ташкил этилди.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги расмий интернет сайтининг "Янгиликлар" саҳифасида бўлиб ўтаётган тадбирларнинг маълумотлари мунтазам равишда ўзбек ва рус тилларида ёритиб келинмоқда.

Мазкур ишларни нафақат вазирлик, балки адлия тизимида тўла жорий этиш мақсадида, барча адлия бошқармалари ва муассасалари ўртасида самарали иш механизмини йўлга қўйиш мақсадида 2007 йилнинг 30 апрель куни "Ахборотлар алмашинувида тезкорликнинг ва холисликнинг аҳамияти" мавзуида ўқув-семинар ташкил этилди.

Бўлиб ўтган тадбирда оммавий ахборот воситалари билан адлия идоралари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда интернет сайти орқали адлия органлари фаолиятини янада кенгроқ ёритиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, ўқув-семинар иштирокчиларига пресс-релизлар, интервьюлар бериш тартиби тўғрисида батафсил маълумотлар бериб ўтилди.

Тадбир якунида барча иштирокчиларга матбуот хизматлари ташкил этиш бўйича қўлланмалар топширилди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасига оид мутлақо янги қонунлар қабул қилина бошланди. Шу муносабат билан, фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини белгиловчи фуқаролик процессуал қонунчилигини ана шу қонунларга мутаносиб тарзда мувофиқлаштириш зарурати юзага келди.

Taklif, tahlil, mulohaza

Фуқаролик процессуал қонунчилиги:

уни такомиллаштиришнинг замонавий йўналишлари

1997 йил 30 августда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилинди. Унда фуқаролик процессуал қонунчилигини ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари, жумладан, фуқаролик процессуал ҳуқуқининг етакчи принциплари бўлишининг тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги, судда иш кўришнинг бевоситалиги ва оғзакилиги, фуқаролик ишларининг якка тартибда кўрилиши каби принциплар мустаҳкамлаб қўйилди. Суд қарорлари устидан шикоят ва протест келтириш институтига жиддий ўзгартишлар киритилди, шунингдек, сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш институти жорий этилди.

Жамиятимизда суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини қўшимча кафолатлаш, суд тизимининг қонунчилик асосларини ҳуқуқий демократик давлат талабларига мослаштириш ҳамда фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этишни соддалаштиришга қаратилган нормаларни фуқаролик процессуал қонунчилигида мустаҳкамлаш мақсадида ФПКга **2000 йил 14 декабрдаги 163-II-сонли Қонун, 2003 йил 12 декабрдаги 568-II-сонли Қонун ҳамда 2004 йил 27 августдаги 671-II-сонли қонун** билан бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги **"Судлар тўғрисида"**ги Қонунининг янги таҳрирда қабул қилиниши эса, умумий юрисдикция судларининг ихтисослашувини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлади ва шу муносабат билан ФПКнинг бир қанча моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексини суд ишларини юритиш жараёнида қўллаш амалиёти шундан далолат берадики, фуқаролик суд ишларини юритиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали шакли бўлиш билан бирга, фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни ҳам ўз ичига олади. Дарҳақиқат, фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифаларидан келиб чиқади. Шу ўринда, мазкур йўналишлар сирасида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кенгайтириш; процесс иштирокчилари ва манфаатдор шахсларнинг одил судловга нисбатан кафолатларини таъминлаш; судьяларнинг иш юкламаларини камайтириш ҳамда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тез фурсатларда ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида суд тартиб-қоидаларининг соддалаштирилган процессуал шаклларини жорий этиш.

Фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида ФПКнинг I ва II бўлимидаги фуқаролик процессининг умумий қоидалари ҳамда биринчи инстанция судида иш юритиш қоидаларини тизимлаштириш ҳамда уларни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу мақсадда, **биринчидан,** "Умумий қоидалар" деб номланган I бўлимнинг биринчи "Асосий қоидалар" бобига "Асосий тушунчалар", деб номланган алоҳида модда киритиш ва мазкур Кодексда қўлланиладиган асосий атама ҳамда таърифларнинг кўрсатилиши таклиф этилади. Бу эса, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ФПКдаги қоидаларнинг турлича шарҳланишини истисно қилади, уларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳамда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёнида юзага келган низоларни ҳал этишнинг муқобил шаклларини ривожлантириш мақсадида **"Ҳакамлик суди тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинди. Бу эса, ўз навбатида, ФПКга айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини тақозо этади. Бу эса фуқаролик ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг процессуал тартибини белгилаб берувчи қонун ҳужжатларидаги атамаларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, уларнинг турлича шарҳланишининг олдини олиш мақсадида ФПКга "Асосий тушунчалар", деб номланган моддани киритишнинг долзарблигини кўрсатмоқда. Ҳуқуқий адабиётларда ҳам фуқаролик процессуал қонунчилигида қўлланиладиган атамалар ва юридик таърифлар тезаурусининг (бирор тилнинг мукаммал луғати) берилиши мазкур қонунчиликни такомиллаштиришда ҳамда одил судлов самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши ҳақида фикрлар билдирилади. Дарҳақиқат, айрим ҳамдўстлик давлатларининг фуқаролик процессуал қонунчилигида асосий атама ва таърифларнинг изоҳи берилганини кўришимиз мумкин. Хусусан, Беларусь Республикаси ФПК 1-моддаси **"Асосий атама ва таърифлар"** деб номланиб, унда қонунда қўлланиладиган асосий атама ва таърифларга изоҳлар бериб ўтилган.

Иккинчидан, фуқаролик суд ишларини юритиш принципларини ФПКда бир тизимга солиш мақсадида, мазкур бўлимга алоҳида «Фуқаролик суд ишларини юритиш принциплари», деб номланган боб киритилиши ҳамда унда фуқаролик суд ишларини юритишнинг барча тамойиллари баён этилиши мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, ФПКнинг I бўлимида мустаҳкамлаб қўйилган "Процесс иштирокчилари" номли 5-бобдаги қоидалар нафақат даъво тартибидаги ишларда, балки буйруқ тартибидаги, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларда иштирок этувчи шахсларнинг процессдаги иштирокига оид умумий қоидаларни белгилаши лозим. Лекин мазкур боб-нинг 33-моддаси фақат даъво тартибидаги ишларда иштирок этувчи шахсларни қамраб олиш билан чекланган. Бу масала юзасидан ҳамдўстлик давлатларининг фуқаролик процессуал қонунчилигини ўрганиш шундан далолат берадики, масалан, Беларусь Республикаси ФПКда "Фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчилари", деб номланган алоҳида (III) бўлим мавжуд бўлиб, унда процесс иштирокчиларининг ҳар бирига алоҳида боб бағишланган. Шунингдек, ҳамдўстликдаги аксарият давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигидаги "Ишда иштирок этувчи шахслар" деб номланган моддада даъво тартибидаги ишларда иштирок этувчи шахслар билан бир қаторда, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларда ишда иштирок этувчи шахслар кўрсатилган (Россия Федерацияси ФПКнинг 34-моддаси, Беларусь Республикаси ФПКнинг 54-моддаси, Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 44-моддаси, Арманистон Республикаси ФПКнинг 27-моддаси, Озарбайжон Республикаси ФПКнинг 46-моддаси).

Тўртинчидан, судга тааллуқли ишларнинг қамровини кенгайтириш ҳамда судга тааллуқли ишлар рўйхатини қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда эмас, балки бевосита Ўзбекистон Республикаси ФПКда мустаҳкамланишига эришиш лозим. Бу эса, ўз навбатида, қонунларни тўғридан-тўғри амалда бўлишини таъминлаш билан бирга, мазкур туркумдаги низоли ишларни кўраётган судлар учун ҳам бир қанча қулайликлар яратади. Дарвоқе, норижий ва ҳамдўстлик давлатларининг фуқаролик процессуал қонунчилигида судга тааллуқли ишлар доираси кенгайтирилиб, унда бу ишларнинг рўйхати аниқ белгиланган эътиборга лойиқ (масалан, Россия Федерацияси ФПКнинг 22-моддаси, Беларусь Республикаси ФПКнинг 37-моддаси, Арманистон ФПКнинг 15-моддаси).

Фуқаролик процессуал қонунчилигида судга тааллуқли ишлар рўйхатининг берилганини яна шу билан изоҳлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Бу эса, барча турдаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларнинг умумюрисдикция судлари ваколатига ўтказилгани ҳамда шахсларнинг судга мурожаат қилишидаги чекловларга барҳам берилганини кўрсатади.

Демак, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 31 ва 32-моддаларини бирлаштириб, унда судларга тааллуқли фуқаролик ишлари рўйхатининг берилиши судлар томонидан даъво аризалари, ариза ва шикоятларни қабул қилишни асоссиз равишда рад этилишининг олдини олишга, шахсларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқларини самарали амалга оширилишини таъминлашга, қонунлардаги турли "ҳаволаки" нормаларнинг камайишига, қонунларнинг тўғридан-тўғри амал қилишига кўмаклашади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги юридик адабиётларда ҳам миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш мақсадида ҳаволаки нормаларга янгича ёндашувни ишлаб чиқиш талаб этилиши юзасидан фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилмоқда.

Бешинчидан, судловга тааллуқлилик қоидаларига оид ФПК тизимини такомиллаштириш талаб этилмоқда. Зеро, фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган нормаларни бир тизимга солиш унинг қўлланилишида бир қатор қулайликларни юзага келтиради.

Судловга тааллуқлилик масалалари Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг "Биринчи инстанция судида иш юритиш" деб номланган II бўлими 14-бобида мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур бобда судловга тааллуқлиликнинг фақат турдош судловга тааллуқлилик тури кўрсатилган бўлиб, худудий судловга тааллуқлилик қоидалари "Даъво ишларини юритишнинг судловга тааллуқлилиги" деб номланган 22-бобида баён этилган. Ҳамдўстлик давлатлари қонунчилик тажрибасининг кўрсатишича, судловга тааллуқлилик қоидалари ФПКнинг умумий қоидалар, деб номланган I бўлимида ўз ифодасини топган. Масалан, Беларусь Республикаси ФПКнинг "Умумий қоидалар", деб номланган I бўлими 5-боби "Судловга тааллуқлилик" ҳақида бўлиб, ушбу боб 12 моддадан иборат. Ушбу моддаларда турдош судловга тааллуқлилик қоидалари билан бирга, худудий судловга тааллуқлилик қоидалари, хусусан, даъвогарнинг танлаши бўйича, мустасно тарзда, шартнома бўйича, қарши даъвонинг ва жиноят ишлари бўйича фуқаровий даъволарнинг судловга тааллуқлилиги ҳамда ишни бир суддан бошқасига ўтказишга доир қоидалар ўз ифодасини топган. Озарбайжон Республикаси ФПКда ҳам судловга тааллуқлилик қоидалари 4-бобда мустаҳкамланган бўлиб, унда турдош судловга тааллуқлилик билан бирга худудий судловга тааллуқлилик қоидалари ҳам ўз ифодасини топган. Айрим давлатларнинг қонунчилигида эса, фуқаролик ишларининг тааллуқлилиги ва судловга тааллуқлилигига оид қоидалар бир бобда баён этилган. Масалан, Россия Федерацияси ҳамда Қозоғистон Республикаси ФПКнинг "Умумий қоидалар", деб юритиладиган I бўлимининг "Тааллуқлилик ва судловлилик", деб номланган 3-бобида фуқаролик ишларининг тааллуқлилигига доир қоидалар билан бирга турдош ва ҳудудий судловлиликка оид қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Шундай қилиб, судловга тааллуқлилик қоидалари, хусусан, турдош ва ҳудудий судловга тааллуқлилик қоидалари яхлит тарзда бир бобда ифодаланиши алоҳида қонунчиликдаги ўзаро боғлиқ қоидаларни бир тизимга келтириш, уларни қўллашда қулайликлар яратиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Олтинчидан, Олий Мажлис томонидан 1997 йил 30 августда қабул қилинган ҳамда 1998 йилнинг 1 январидан эътиборан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида барча тоифадаги фуқаролик ишларини мазмунан кўриб ҳал қилишнинг ягона тартиби белгиланган. Унга кўра, фуқаролик ишлари суд мажлисида, ишда қатнашувчи шахсларнинг иштирокида, улар томонидан судга тақдим этилган далиллар ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар бўлмиш гувоҳларнинг кўрсатмалари, экспертларнинг хулосалари асосида мазмунан кўриб ҳал қилинади.

Лекин суд амалиёти фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилишни янада соддалаштириш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузаларида фуқаролик ишлари бўйича даъво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш лозимлигини алоҳида таъкидлаган.

Шу ўринда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг соддалаштирилган ва ихчамлаштирилган шакли сифатида айрим турдаги фуқаролик ишларига доир ишларни **суд буйруғи** чиқариш йўли билан ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эгалигини эътироф этишимиз жоиз.

Маълумки, суд тизимини молиялаштиришдаги ўзига хослик ҳамда штат бирлигининг белгиланган муайян даражада судьяларнинг иш юкламалари кўпайишига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Процессуал ҳуқуқ тизимида нисбатан янги институт бўлган суд буйруғи эса, айнан судьянинг нисбатан юқори иш юкламаларини камайтиришга, бузилган ҳуқуқларни тез ва соддалаштирилган шаклда ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Соддалаштирилган институт суд амалиётида ўзининг сезиларли самарасини бераётгани суд буйруқларининг бекор қилиниш даражаси билан белгиланиши ҳам мумкин. Статистик таҳлилларнинг кўрсатишича, чиқарилган суд буйруқларининг бекор қилиниш ҳолатлари жуда кам учрайди. Масалан, 2005 йилда Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар туманлараро судлари томонидан чиқарилган 1153 та суд буйруғидан 10 тасигина бекор қилинган. Лекин, юқорида таъкидланганидек, буйруқ тартибида юритиладиган ишларнинг фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тез ва соддалаштирилган усулда ҳимоя қилишдаги аҳамиятини эътиборга олган ҳолда, суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар рўйхатини, ҳамдўстлик мамлакатларининг қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, мумкин қадар кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида билдирилган таклифларга фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган чоралардан бири сифатида қараш жоиз. Зеро, демократик тамойилларнинг амалда қўлланилиши мамлакатимизда қонун устуворлигини мустаҳкамлашга, жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла қарор топтиришга хизмат қилади.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
юридик фанлари номзоди, доцент

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури амалда

Ижтимоий ҳимоя

унинг ватан равнақида тутган ўрни

2007 йилнинг мамлакатимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши инсонпарварликнинг юксак намунаси бўлди, десак хато бўлмайди. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда Жиззах вилояти миқёсида ҳам талайгина хайрли ишлар амалга оширилади.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят бўйича 2760 нафар қариялар ва ижтимоий ёрдамга муҳтож ногиронлардан 234 нафари республика сиҳатгоҳларига бепул йўлланмалар билан таъминландилар, реабилитация марказида 207 нафар ногиронлар соғломлаштириш муолажаларини олдилар, 508 нафар ёлғиз қариялар диспансер кўригидан тўлиқ ўтказилди, шундан 6 нафари герантология марказига, 7 нафари сиҳатгоҳларга юборилиб соғломлаштирилди, 11 нафар ёлғиз қарияларнинг яшаб турган уй-жойлари ҳомийлар томонидан таъмирлаб берилди.

Вилоят адлия бошқармаси ва унинг тизимидаги идоралар ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган шахсларга ўзларининг ҳомийлик ёрдамларини кўрсатмоқдалар. Вилоят адлия бошқармаси томонидан Фориш тумани Хонбанди шаҳарчасида яшовчи 70 ёшли ёлғиз қария Х.Хўжақулова ногиронлар аравачаси билан таъминланди. Бундан ташқари, адлия бошқармаси томонидан 2007 йилнинг 1-ярим йиллигида ижтимоий ҳимояга муҳтож, ночор оилаларга ҳомийлик асосида моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш режалаштирилган.

«Наврўз» байрами арафасида ижтимоий ҳимояга муҳтож 234 нафар ёлғиз қариялар ва эҳтиёжмандларга 22 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, 52 нафар боқувчисини йўқотган болаларнинг суннат тўйлари, 14 нафарининг мучал тўйи, 12 нафарининг никоҳ тўйи ўтказилди ва 1250 нафар кам таъминланган оилаларга байрам дастурхонлари ёзилиб, совғалар улашилди. Вилоятдаги ногирон болалар махсус мактаб интернатларида капитал таъмирлаш ишлари тугалланиб, фойдаланишга топширилди ва 64 миллион сўмлик инвентарлар билан таъминланди. Қишлоқ жойларида кўп болали, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга 1850 бош қорамол бепул тарқатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2007 йил 19 мартдаги **«Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш ва улар учун муносиб турмуш шароитини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Фармонда эҳтиёжманд оилаларга давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш механизмларини амалга оширишда фуқароларнинг ўзиниўзи бошқариш органлари риоя этиши лозим бўлган асосий тамойиллар янада такомиллаштирилди. Бу, авваламбор, ижтимоий адолат, холислик ва ошкоралик тамойилларига қатъий амал қилиш, ҳақиқий эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишдан иборат.

Президентимизнинг мазкур Фармонининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтиришни таъминлайди. Қўшимча ижтимоий ҳимоя чораларига муҳтож кам таъминланган оилалар ва фуқароларнинг фаровонлигини ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури чора-тадбирларини тўлиқ амалга оширишда муҳим омил бўлади.

Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

Huquqiy savodxonlik sari

Устав фондини кўпайтириш

бу акциядорлик ҳамда масъулияти чекланган жамиятларда қандай тартибда амалга оширилади?

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасига биноан, устав фонди жамият акциядорлари мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект акциядорлик жамияти, деб эътироф этилади. Демак, бундай жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим. Қонунинг 21-моддасига кўра, жамиятнинг устав фондини кўпайтириш икки йўсинда, яъни акциялар номинал қийматини ошириш ҳамда қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали амалга оширилади.

Жамиятнинг устав фондини акциялар номинал қийматини ошириш орқали кўпайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади. Агарда жамият уставида ёхуд акциядорлар умумий йиғилишининг қарорида жамиятнинг кузатув кенгашига тегишли ҳуқуқ берилган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан шундай қарор қабул қилинади. Қўшимча акциялар ҳисобига устав фондини кўпайтириш эса, жамият томонидан унинг уставида белгиланган, эълон қилинган акциялар сони доирасидагина амалга оширилади.

Қўшимча акциялар жойлаштириш орқали жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий (одатдаги) акцияларнинг ва эълон қилинган миқдорлари (улушлари) доирасида ҳар бир турдаги имтиёзли акцияларнинг сони, жойлаштириш муддати ва шартлари, шу жумладан, мазкур қонунга мувофиқ, жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлган акциядорлар учун жамиятнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш баҳоси белгиланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 июндаги **«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»**ги Қонунининг 3-моддасида бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият, деб ҳисобланади, дейилган. Бундай жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолиятига доир зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалари миқдорида жавобгар ҳисобланадилар.

Масъулияти чекланган жамият устав фонди унинг иштирокчилари улушларининг номинал қийматларидан таркиб топади. Жамият устав фондининг миқдори эса, жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги талаб этилади.

Жамиятнинг устав фондига қўшиладиган ҳиссалар пул, қимматли қоғозлар, бошқа ашё ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ҳуқуқлар бўлиши мумкин. Жамият иштирокчилари ва жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳоси жамият иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарор билан тасдиқланади.

Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жамият иштирокчилари умумий йиғилиши иштирокчилари овозлари сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан (агар жамиятнинг уставида бундай қарорни қабул қилиш учун овозларнинг бундан кўпроқ сони зарурлиги назарда тутилган бўлмаса) қабул қилинадиган қарорига биноан амалга оширилади. Жамият устав фондининг кўпайтирилиши жамиятнинг мол-мулки ёки жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ёхуд жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорида қўшимча ҳиссаларнинг муайян умумий қиймати, ҳар бир иштирокчининг қўшимча ҳиссаси қийматининг миқдори, иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссаларни тўлиқ қўшиш муддати белгиланиши керак.

Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият иштирокчисининг қўшимча ҳисса қўшиш тўғрисидаги аризаси, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида тақиқланган бўлмаса, учинчи шахснинг уни жамиятга қабул қилиш ва ҳисса қўшиш тўғрисидаги аризаси асосида жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилиши мумкин. Жамият иштирокчисининг ва учинчи шахснинг аризасида ҳиссани қўшиш тартиби, миқдори, усуллари ва муддати, шунингдек, жамият иштирокчиси ёки учинчи шахс жамиятнинг устав фондида эга бўлишни хоҳлаган улуш миқдори кўрсатилиши керак. Аризада ҳиссаларни қўшиш ва жамиятга аъзо бўлиб киришнинг бошқа шартлари ҳам кўрсатилиши мумкин.

Қўшимча ҳиссаларни қўшиш муддати тугаган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссаларини ва учинчи шахсларнинг ҳиссаларини қўшиш якунларини тасдиқлаш ҳақида, шунингдек, жамият устав фонди миқдорини кўпайтириш, қўшимча ҳиссалар қўшган жамият иштирокчилари улушларининг номинал қийматини кўпайтириш ва учинчи шахс улушининг номинал қиймати ҳамда миқдорларини аниқлаш, зарур ҳолларда жамият иштирокчилари улушларининг миқдорлари ўзгариши билан боғлиқ ўзгартишларни жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритиш тўғрисида жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиниши керак.

Жамият таъсис ҳужжатларидаги ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга таъсис ҳужжатларидаги ўзгартишлар жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида тасдиқланган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай тақдим этиши лозим. Таъсис ҳужжатларидаги ўзгартишлар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарорига асосан, жамият устав фондини кўпайтирган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи органга корхона ваколатли органининг таъсис ҳужжатларида эълон қилинган устав фонди миқдорининг шакллантирилгани ҳақидаги ҳужжатни ҳамда иштирокчи ҳиссасининг тўлиқ киритилгани ҳақида жамият томонидан иштирокчига берилган гувоҳнома нусхаси (масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун) ҳамда жамият иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар ва учинчи шахслар томонидан ҳиссалар тўлиқ миқдорда қўшилганини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилиши талаб этилади.

Жумладан, мисол учун «INTER PROFI» масъулияти чекланган жамиятининг дастлабки эълон қилинган устав фонди 1000000 сўм миқдорини ташкил этади. Агар жамият таъсисчилари қўшимча ҳиссалари ёки учинчи шахслар ҳиссалари ҳисобига устав фондини 3000000 сўмга кўпайтиришга қарор қилсалар, жамият томонидан унинг ваколатли органининг таъсис ҳужжатларида эълон қилинган жорий устав фонди — 1000000 сўмни тўлиқ шакллантирилганлиги ҳақидаги тасдиқловчи ҳужжатини ва жамият таъсисчиларининг ҳар бирига ҳиссасининг тўлиқ киритилганлиги ҳақида жамият томонидан берилган гувоҳнома нусхаси ҳамда жамият иштирокчилари ёки учинчи шахслар томонидан 2000000 сўм миқдоридаги қўшимча ҳиссалар тўлиқ қўшилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим.

Хусан ХЎЖАМҚУЛОВ,
Адлия вазирлиги ходими

Qonun talabi

Чакана савдо

ва унинг янги қоидалари хусусида

Юртбошимизнинг 2007 йил 16 март кунги ПҚ-605-сонли «Алкоголь маҳсулотлари чакана савдосини келгусида тартибга солишнинг чоралари ҳақида»ги қарорига асосан мамлакатимизда мавжуд бўлган спиртли ичимликлар билан чакана савдони амалга оширишнинг янги тартиблари жорий қилинди.

Ушбу қарорга қадар спиртли ичимликлар чакана савдоси билан шуғулланувчи юридик шахслар туман, шаҳар ҳокимликлари томонидан бериладиган рухсатнома (лицензия) асосида фаолият кўрсатар эдилар. Эндиликда 2007 йилнинг 1 майидан бошлаб спиртли ичимликлар савдоси билан шуғулланадиган юридик шахслар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан бериладиган рухсат гувоҳномаси асосида фаолиятларини амалга оширадилар. Юридик шахслар алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдони махсуслаштирилган дўконлар, алоҳида савдо зал (секция)ларида назорат касса аппаратлари орқали амалга оширадилар.

Қарор иловалари асосида алкоголь маҳсулотлари чакана савдосини амалга ошириш учун берилган рухсат гувоҳномаларининг берилиш тартиби ва алкоголь маҳсулотлар билан чакана савдо қилишнинг қоидалари тасдиқланди. Алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилишнинг тартибини бузган юридик шахсларга алкоголь маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробаридан 300 баробаригача жарима солиниши, ходимлар қонунда белгиланган тартибда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланди. Алкоголь маҳсулотлар чакана савдосини амалга ошириш учун бериладиган рухсат гувоҳномалари ҳимояланган қатъий ҳисобдаги бланкаларга ёзиб берилади.

Алкоголли маҳсулотларни чакана савдо қилишнинг янги қоидаларига асосан турғун савдо шохобчаси тегишли омборхоналар ва ускуналар билан таъминланган ҳолда шаҳарларда энг камида 25 метр квадрат, қишлоқ жойларида энг камида 15 метр квадрат майдони мавжуд бўлган санитария қоидаларига жавоб берадиган савдо залларида амалга оширилади.

Турғун савдо шохобчаси ўқув, мактабгача таълим муассасаларидан 500 метр масофадаги узоқликда жойлашиши зарур. Алкоголь маҳсулотлари чакана савдоси билан шуғулланадиган турғун савдо ўрни жамоатчилик жойларида ва дам олиш масканларида, даволаш-профилактика ва спорт-соғломлаштириш муассасалари ҳудудларида, ушбу муассасаларнинг ошхоналарида ва ишлаб чиқариш корхоналарида, шунингдек, аэропорт, темир йўл вокзаллари ва автостанцияларда жойлашиши ман қилинади.

Алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдони амалга оширувчи юридик шахслар ҳар кварталда туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги комиссиялар томонидан белгилаб берилган накд пул тушуми таҳлилларини бажариб боришлари шарт. Алкоголь маҳсулотларининг мувофиқлик сертификати харидорнинг биринчи талаби бўйича сотувчи томонидан тақдим қилиниши лозим. Харидор томонидан сотиб олинган алкоголь маҳсулотида камчиликлар мавжуд бўлса, сотувчи харидор талаби асосида ушбу маҳсулотни алмаштириб бериши ёки пулини қайтариб бериши шарт.

Алкоголь маҳсулотларини сотиш қуйидаги ҳолларда ман қилинади:

- ёши 18 га етмаган фуқароларга;
- мувофиқлик сертификатисиз ҳолатда;
- яроқлилик муддати ўтган ҳолда;
- акциз маркаси билан маркаланмаган ёки қалбаки акциз маркаси билан маркаланган ҳолда сотиш;
- ишлаб чиқариш корхонасини аниқлаш мумкин бўлмаган аниқ кўринмайдиган марка билан маркаланган ҳолда сотиш;
- ишлаб чиқариш учун лицензия бўлмаган маҳаллий ишлаб чиқарувчи томонидан тайёрланган алкоголь маҳсулотлар;
- этикеткасиз шиша идишларда қадоқланган, ичи ва сирти ифлосланган алкоголь маҳсулотлари;
- санитария нормаларига жавоб бермайдиган жойларда сақланаётган алкоголь маҳсулотлари;
- ўқиш, мактабгача тарбия ва диний муассасалардан 500 метр масофа узоқликда жойлашмаган савдо ўринларида сотилган ҳолда;
- жамоат транспорти бекатларида, жамоатчилик жойларида ва дам олиш масканларида, даволаш-профилактика ва спорт-соғломлаштириш муассасалари ҳудудларида, ушбу муассасаларнинг ошхоналарида ва ишлаб чиқариш корхоналарида, шунингдек, аэропорт, темир йўл вокзаллари ва автостанцияларда жойлашган савдо ўринларида сотилган ҳолда.

Ушбу қоидаларга риоя қилинса энг бебаҳо неъмат-инсон соғлиғи асралиши турган гап.

Комилжон ҚАЛАНДАРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси инспектори

Хотира

Самимий дўст ёди

Шафқатсиз ўлим иқтидорли ҳуқуқшунос, самимий инсон Ахмед Эшмахаматовни 61 ёшида орамиздан олиб кетди.

А.Эшмахаматов Самарқанд вилоятининг Ургут туманида 1946 йил туғилган. 1977 йилда Тошкент Давлат университети юридик факультетини тамомлаб, Тошкент шаҳар прокуратурасида иш фаолиятини бошлаган. У ўзининг ўттиз йиллик ҳуқуқшунослик фаолияти давомида Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг судьяси, Тошкент вилоят судининг судьяси, Тошкент вилоят суди раисининг ўринбосари лавозимларида ишлади.

А.Эшмахаматов 2000 йилдан бошлаб, ҳаётининг сўнгги кунига қадар Адлия вазирлигида турли лавозимларда ишлаб келди.

Ахмед Эшмахаматовнинг ёрқин хотираси уни билган, яқиндан мулоқотда бўлган дўстлари, ҳамкасблари, тарбиялаган шогирдлари ва барча яқинлари қалбида абадий яшайди.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ

Dolzarb mavzu

Кенгашли тўй тарқамас

Демократик фуқаролик жамиятининг муҳим жиҳатларидан бири, бу ривожланаётган жамоат бирлашмалари тизимининг, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг мавжудлигидир. Кейинги йилларда Ўзбекистонда фаолият кўрсатиб келаётган жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг сафи кенгайиб бораётир, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш жараёни изчил давом этаётир. Жумладан, 2007 йил 3 январда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди.

Фуқароларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги фаолликларини таъминлашда, айниқса, хотин-қизлар иштирокидаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти ўсиб бораётгани диққатга сазовордир. Бугунга қадар Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 20 дан ортиқ хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилоти рўйхатга олинди. «Опа-сингиллар» ногирон аёллар жамияти, «Ҳамдўстлик» аёллар клуби, «Қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш» маркази, шунингдек, Ўзбекистон хотин-қизлари «Олима» уюшмаси, «Тадбиркор аёллар» ишбилармон аёллар ассоциацияси шулар жумласидандир.

Маълумки, мустақиллик даврида хотин-қизларнинг манфаатини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди ва бу борада кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги **«Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида туб ўзгариш ва юксалишлар омили бўлдики, буни Тошкент туман хотин-қизлар қўмитасининг фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин. Шу йил 24 февралда туман ҳокимлигида аҳолининг муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича «Меҳр-саховат» хайрия тадбири ўтказилди. Унда юздан ортиқ оилага қорамол ва парранда ажратилди, бокувчисини йўқотган оилаларга 9 миллион 894 минг 230 сўмлик маблағ тарқатилди — жами 12 миллион 344 минг 230 сўмлик ёрдам кўрсатилди. Бу мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган инсонпарварлик ишларидан бир қатрадир. Туман хотин-қизлар қўмитасининг эътиборидаги муҳим масалалардан бири хотин-қизлар бандлигидир. Маҳалла фуқаролар йиғинларида қандолатчилик, сартарошлик, тикувчилик ва касаначилик йўналишлари бўйича кичик курслар фаолият юритмоқда. Шунингдек, аёллар бошқарадиган кичик корхоналарга ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга имтиёзли кредитлар бериш, касаначиликни ташкил этиш каби хайрли ишлар йўлга қўйилгани боис, туманда хотин-қизларнинг турмуш шароитлари тобора яхшиланаётир.

Туман хотин-қизларининг касбий, жисмоний, маънавий-ахлоқий салоҳиятларини ўстириш ҳамда ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида олиб борилаётган самарали ишлар ҳақида сўз кетганда, бу хайрли ишларга бош-қош бўлаётган фидойи аёллар ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Хусусан, 2004 йилдан буён туман хотин-қизлар қўмитасига раислик қилиб келаётган Умида Маҳмудова аёллар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларга янги иш ўринларини яратиш масалаларига эътибор қаратаётир.

Халқимизда кенгашли тўй тарқамас, деган нақл бор. Туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Маҳалла», «Нуроний» жамғармаси ва «Камолот» ЁИҲнинг туман бўлими ҳамда прокуратура ва ички ишлар бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия борасида тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам олиб борилаётир. Бу каби тадбирлар ўсиб келаётган ёшларнинг эзгу юртга содиқ инсонлар бўлиб ўсиб-улғайишида аҳамияти беқиёсдир.

Наргиза МАҲКАМОВА,
Тошкент вилоят адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси,
Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Qilmish-qidirmish

Порахўрга кирпини узатсанг...

уни тескари ютади, деган нақл бежизга айтилмаган. Демакки, порахўрлик ўтмиш замонларда ҳам одамлар турмуш тарзида иллат сифатида қораланган. Минг афсуски, шайтоний нафсга берилиш оқибатида содир этиладиган бу жиноят бизнинг қунларимизда ҳам онда-сонда бўлса-да, учраб турибди. Бу ярамас иллат, унинг яшовчанлиги, ҳатто унга мойил кишиларнинг оз бўлса-да, учраб туриши эса бизнинг ўз-ўзимизга, атрофдагиларга сезиларли даражада лоқайд муносабатимиз, кўриб-кўрмасликка олиш, билиб-билмасликка олишдек ножоиз ҳолатлар оқибатига йўйиш мумкин. Адолатли қонунларимиз эса бу иллатни сира кечирмайди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди кейинги икки йил мобайнида биргина порахўрлик бўйича 6 та жиноят ишини кўриб чиқди. 5 та хусусий ажрим чиқарди. Порахўрликда айбланган шахслар жиноий жавобгарликка тортилиб, озодликдан маҳрум этилгани бир ҳисса бўлса, эл-юрт олдида юзи қора бўлиб қолаётгани янада ачинарли. Мана бу икки воқеага эътибор қаратсангиз масала янада ойдинлашади...

Салкам уч йилдан буён Қарши шаҳридаги масъулияти чекланган жамият «Таҳлил» аудиторлик ташкилотида мутахассис аўдитор, 2006 йил 20 февралдан эса шу шаҳардаги «Анзур-Аналус» хусусий аудиторлик корхонаси аудит ёрдамчиси 2006 йил 1 мартдан эса «Қашқадарёбалиқчилик» масъулияти чекланган жамияти бош ҳисобчиси (ўх-ҳў, вазифанинг кўплигини қаранг) лавозимларида ишлаб келаётган Абдуҳаким Халилов «Қашқадарёбалиқчилик» масъулияти чекланган жамиятининг собиқ директори А.Юсуповнинг 2005 йилдаги молиявий фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиб, А.Юсуповга «сизнинг иш фаолиятингизда жиддий камчиликлар аниқланди, агар 500 АҚШ доллари бермасангиз, ушбу камчиликларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этаман», деб пўписа қилиб, қўрқитиш йўли билан аввалига ундан 100 АҚШ долларини пора сифатида олган. Орадан бир кун ўтиб эса А.Ҳалилов ўзининг жиноий ҳаракатини давом эттириб, бошқарувида бўлган «Тико» русумли автомашинасида фуқаро А.Юсуповдан 400 АҚШ долларини пора сифатида олаётган пайтида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинган. Судланувчи Абдуҳаким Халилов Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми «в» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга 6 (олти) йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Қарангки, иш фаолиятини текшириб, таҳлил қилиб, тўғрилик ва адолатни жойига қўйишни талаб этадиган аудитор ўз ишига, касбига хиёнат қилиб мавжуд муаммоларни бартараф этиш баҳонасида, яъни ёпиқлик қозонни ёпиқлигича қолдираман, дея нопокликка қўл ўрди. Шайтоний нафс ғулғула қилганда одам боласи ўзини тийиб, тўхтатиб ололмаса, ҳар балойи бадга учраб қолишини айни шу ҳолатда кўриш мумкин. Ёки бошқа бир ҳолатни баён қиладиган бўлсак, судланувчи Искандар Дулобов 2003 йилдан буён Қарши транспорт касб-ҳунар коллежида ишлаб чиқариш таълими устаси вазифасида ишлаб келиб, 2004-2005 ўқув йилида ўқувчилар қабул қилиш консултатив марказида масъул котиб вазифасини бажараётганда, коллежнинг «Темир йўл транспортидан фойдаланиш» бўлимига ҳужжатларини топшириб, тест синовларига кечикканлиги учун шу бўлимга киролмасдан, бухгалтерия бўлимига тест синовларисиз кириб ўқиётган Асқарали Раҳимовнинг тоғасининг илтимосига кўра, уни ўша киролмаган бўлимга сохта ҳужжатлар билан рўйхатга киритгани эвазига 50 минг сўм пора сўраган. Ноилож қолган ва бу пулни бериш имконига эга бўлмаган талаба «устознинг» бу номақбул хатти-ҳаракатидан норози бўлиб, МХХ вилоят бошқармасига мурожаат қилган. Хулласки, «қўлидан иш келадиган устоз», масъул котиб Искандар Дулобов зарурат учун, дея ўз шогирдидан 45 минг сўм пора олаётганда тегишли орган ходимлари томонидан қўлга олингани ва барча далиллар ўз исботини топиб, порахўр устоз адолатли суд томонидан тегишли жазога тортилганини надомат билан эслаш кифоя. Тўғри, ҳар иккала ҳолат куни кеча содир этилгани йўқ. Бу воқеаларни алоҳида баён қилишимиздан мақсад эса битта: Порахўрликни ўтмишдан қолган мерос сифатида «асраб-авайламоқчи» бўлаётганлар огоҳ бўлсин, бу иллат қайси кўринишда бўлишидан қатъий назар, барибир ошкор бўлиши муқаррар.

Р.ҚЎШОҚОВ,
Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг раиси,
Гози РАҲМОН,
«Инсон ва қонун» мухбири

Биз ҳуқуқий демократик давлат қураяпмиз. Маълумки, ҳуқуқий демократик давлатнинг бош талаби, қонунни ҳурмат қилиш ва қонун талаблари асосида яшашдир. Қонун талабига бўйсунмаган, қонунни ҳурмат қилмаган фуқаролар эса, албатта, қонун олдида жавоб берадилар. Эл-юрт орасида юзшувут бўлиб, уялиб қоладилар. Бугунги мақолами шу ҳақда.

Ўйламай босилган қадам

банкирни жиноятчига айлантирди

Айрим инсонлар ҳуқуқий билимсизлиги сабаб, билиб-билмай қонунбузарликка йўл қўйиши мумкин. Бундайларни кечирса бўлади. Лекин олий маълумотли, бунинг устига банк раҳбари бўла-туриб, ноқонуний ишга қўл урган фуқарони оқлаб бўлмайди. Чунки банк раҳбарининг қонунбузилишига йўл қўйиши оддий хато эмас, аксинча, жиноятдир.

Келинг, газетхонни зериктирмаслик учун бўлиб ўтган воқеа тафсилотини келтириб ўтайлик.

Тўйқул Файзиев олий маълумотли. Уч нафар фарзанднинг отаси. У АТ "Алоқабанк" Навоий вилояти филиалига қарашли 1-мини банкка вақтинча раҳбар бўлгунга қадар жамоа орасида обру-эътиборга эга ходим саналган. Лекин одамнинг оласи ичида бўлади, деганлари рост шекилли, Т.Файзиев ўзига вақтинча берилган мансабни масъулият эмас, аксинча, даромад манбаи, деб тушунди. Янаям соддароқ қилиб айтганда, у "давринг келди, сур бегим" қабилида иш юритишга киришиб кетди. Лекин шу ўринда у ноқонуний иш ҳамиша ўз ортидан кутилмаган ташвишларни етаклаб юришини унутиб қўйди. Бу ҳақда жиноят ишлари бўйича Кармана туман судининг ҳукмида шундай дейилади:

"Судланувчи Т.Файзиев 22.03.2005 йилдан АТ "Алоқабанк"нинг Навоий вилоят филиалига қарашли 1-минибанкнинг вақтинча бошқарувчи вазифасида ишлаб, мансабдор шахс ҳисобланиб, 2005 йилнинг 3 июнь куни соат 12 лар чамаси ўз хизмат хонасида фуқаро Қораева Гулчеҳрага кўп миқдордаги, 800 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда 892.200 сўмга сотиб, Ўзбекистон Республикасининг хорижий валюта тўғрисидаги қонун-қоидаларига зид ҳолдаги ҳаракатлари учун Кармана туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҲДЛҚК департаменти бўлими ходимлари томонидан ушланган..."

Жиноятнинг қисқача тафсилоти ана шундан иборат. Тўғри, жиноят ишлари бўйича Кармана туман суди Т.Файзиевга қонун талаби асосида жазо тайинлади. Ҳақиқат қарор топди. Лекин ушбу жиноятнинг содир этилишига нима сабаб бўлди, деган савол барибир кишини ўйлантириб қўяди.

Биринчидан, Т.Файзиев вақтинча бўлса-да, банк бошқарувчиси бўла туриб, валюта қимматликлари билан ноқонуний олди-сотди қилиш қонунга хилоф эканини билмасмиди? Албатта, биларди. Лекин у ўз нафсини тия олмай жиноятга қўл урди.

Иккинчидан, агар АТ "Алоқабанк"нинг Навоий вилоят филиали бошқаруви раҳбари Ахтам Эгамқулов интизомни бўшаштириб юбормаганида ушбу жиноят содир бўлмаслиги мумкин эдими? Албатта, мумкин эди.

Учинчидан, асосийси, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча банклар иқтисодиётимизнинг қон томирлари ҳисобланади. Юқоридагидек қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилиши эса, барқарор равишда ривожланаётган иқтисодиётимизга зарар келтириши муқаррар.

Хулоса ўрнида эса шуни айтиб ўтиш керакки, кимки ўзига ишониб топширилган каттамикичикми мансабга масъулият деб эмас, аксинча, ўз шахсий манфаати нуқтаи назаридан ёндашса, бир кун келиб, худди мақоламиз қаҳрамони каби ер чизиб қолиши аниқ. Шундай экан, ҳар биримиз бир ишга қўл уришдан аввал унинг оқибати ҳақида ўйлаб кўрсак, фойдадан холи бўлмасди.

И.ХОЛБОЕВ

ЭЪЛОН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «АДОЛАТ» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ СОТАДИ:

1. *Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси — 1000 сўм;*
2. *Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси — 4000 сўм;*
3. ***Ғ.Абдумажидов.** «Давлат тили ҳақида»ги Қонунга шарҳлар — 1000 сўм;*
4. ***Б.Мустафоев.** Истиқлолнинг залворли қадамлари: Ҳуқуқий демократик давлат сари — 4000 сўм;*
5. ***А.Саидов**. Сравнительное правоведение — 1000 сўм;*
6. ***А.Орипов**. Адолат кўзгуси — 3500 сўм;*
7. *Ҳадислар — болаларга — 1000 сўм;*
8. ***Г.Лотман.** Ротшильдлар — банкирлар қироллари — 1500 сўм;*
9. ***А.Шиммель**. Жонон менинг жонимда – 1000 сўм;*
10. ***Имом Абу Ҳанифа**. Ал-Фиқҳ ул-Акбар — 500 сўм;*





Мазкур китобларни пул ўтказиш йўли билан харид қилишингиз мумкин.

Нашриёт манзили: Тошкент ш. 700170 А.Муҳиддинов кўчаси, 26-уй.
Мурожаат учун телефонлар 169-03-98. Факс: 169-03-58

ЭЪЛОН!

1. Тошкент вилоят адлия бошқармаси Бекобод туман давлат нотариал идора нотариуси лавозимига;

2. Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси Термиз шаҳар 1-сон ва Сариосиё туман 1-сон давлат нотариал идоралари нотариуси лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёки уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида тегишли вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси телефони: (8-371) 363-51-03.
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси телефони: (8-376) 22-3-38-97.

Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан Атамуратов Муқимига 2002 йил 8 апрелда берилган HZ — 000058 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 3 (уч) ой муддатга тўхтатилганлиги маълум қилинади.

Jinoyat va jazo

Бехосият ташриф

божхонадаёқ фош этилди

918-сон «Бейнеу-Қўнғирот» йўловчи поезди йўлга тушиши ҳақида огоҳлантирувчи бонг чалинди. 11-вагон кузатувчиси Баҳодир Есемуратов эшикни беркитмоқчи эди, яшил, қора ранг сумка, рюкзак ва чемодан кўтарган икки йигит унинг қўлидан тутишди.

— Жон, оға, бизни олиб кетинг, умрингиздан барака топинг, илтимос.

— Нега билет олмадингиз?

— Ҳозир келдик, билет қолмабди, тез Қўнғиротга бормасак бўлмайди, қариндошимиз вафот этганлиги ҳақида хабар олдик, маракасига кеч қолмайлик, бир савоб қилинг, оға.

Баҳодир ўйланиб қолди. Бунақа пайтда йўқ деб бўладими? У бошини ҳам қилиб, йиғлаб юборай деб турган йигитларга бир қараб олди-да, вагонга бошлади.

Поезд йўлга тушди. Йўл юриб, юртимиз сарҳадларига ҳам етиб келди. «Қорақалпоғистон» бекатида давлат чегара ва божхона ходимлари йўловчиларнинг ҳужжатлари ва юкларини кўрикдан ўтказишди. Маъракага келаётган йигитлардан бирининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати йўқ экан.

— Қувончбой Нареновман, мана, ишонмасангиз оғайнимдан сўранг, маъракага келяпмиз, яқин қариндошимиз вафот этган, шошилганимдан ҳужжатим ёдимдан кўтарилибди, жон оғалар, кечиринглар.

Ҳуқуқ-тартибот ходимлари унинг шахсини аниқлаш ва ташриф сабабларини ойдинлаштириш мақсадида суриштира бошлашди. Йигитларнинг ҳаяжони тобора ортар, сўзларидаги пала-партишлик, ҳаракатларининг ғалатилиги сергак посбонларда шубҳа уйғотди. Уларнинг юклари текширилганда ҳаммаси аён бўлди. Улар ҳеч қандай маъракага келишаётгани йўқ эди. Аксинча, қабиҳ ниятда — ёшларимизнинг онгини заҳарлаш, фаровон турмушимизга оғу солиш мақсадида ташриф буюришган экан. Буни уларнинг буюмларини кўрган ҳар қандай киши англаши қийин эмас.

Чемодандаги қутиларда «Ҳизбут-таҳрир» диний экстремистик ташкилотининг сепаратизм ва ақидапарастлик руҳидаги ўгитлари жамланган бир нусха «Система ислама» китоби, уч нусха «Ҳизбут-таҳрир» йигитларининг Данияда ўтказган форумига икки йил» китоби, «Ал-ваъи» журнали ҳамда «Унпаракта» (овоз) варақасининг нусхалари ва шу мазмундаги яна ўнлаб варақалар топилди. Уларнинг чўнтагида «Ҳизбут-таҳрир» гуруҳига аъзолик қасами нусхаси ҳам бор эди.

Барчаси фош бўлгач, уларнинг ўзлари ва бехосият ташрифи сабаблари ҳақида айтиб беришдан ўзга чораси қолмади.

... Умбетбой Мамбетов 1981 йили Қозоғистоннинг Манғистов вилояти Жанга озен шаҳрида туғилган. Олмаотадаги рассомлик академиясига ўқишга киргунча, диний расм-русумларга бепарво эди. Ислом тарихи, унинг амаллари ҳақида юзаки тасаввурга эга эди. У 2003 йили академия ётоқхонасига тез-тез келиб турувчи Жанат исмли йигит билан танишади. Жанат унга дину диёнатдан насиҳат қила бошлади. Ўзи тенги бу йигитнинг фавқулодда нотиқлиги Умбетбойни ром этди. Содда йигитни ипсиз илинтирган Жанат унга бугунги кунда Исломга муносабатнинг аҳволи ҳақида гапириб, Халифалик давлати бунёд этишга ҳар бир иймонли инсон хизмат қилиши лозимлигини «тушунтирди». Қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирди. Умбетбой эса унинг гапларига чиппа-чин ишонди. Жанат унга «Ислом системаси» китобининг қозоқ тилидаги нусхасини келтириб берди. Умбетбой Жанатдан ушбу китоб билан бирга варақалар, «Аль-ваи» журнали нусхаларини ҳам олади. Уларни ўқиб чиққач, тарғибот учун фойдаланиш мақсадида олиб қўяди.

Ўша йили «Думан» қишлоғида бўлиб ўтган Жанат бошчилигидаги «анжуман»да «Ҳизбут-таҳрир»га содиқ бўлиш ҳақида қасам ичиб, «ҳизби» мақомини олади.

«Ҳизби» таълимоти асосида Рустам Кабудуллин, Қорғанбек Тастемиров, Марат Жақсилиқов ва Қувончбой Нареновлар билан бирга «Ҳизб чанбари» тузди. Кундалик амалга оширган ишлари хусусида ташкилотнинг юқори органи вакили «Боғдод»га ҳисобот бериб турди. Унинг онтга содиқлиги, зиммасидаги вазифаларни «намунали» адо этиши, юқори ташкилот томонидан «муносиб» баҳоланиб, «мушриф» унвони берилди. Моддий манфаатдорлик ҳам шунга яраша орта борди.

Энди Умбетбой «ҳудуд»ини кенгайтириш ҳақида қайғура бошлади. Шунда унинг хаёлига «ҳар ернинг тулкисини ўша ер тозиси билан овла», мақоли келди. Қорақалпоғистонлик бўш-баёв, динни ончалик тушунавермайдиган йигит билан танишиш истаги тинчлик бермади. Шундай кунларнинг бирида Қувончбой Наренов унга ўзларига мос йигитни топганини айтиб қолди. Бу қиладиган ишининг тайини бўлмаган, майда савдо-сотиқ билан шуғулланувчи Осербой исмли йигит эди. У Умбетбой томонидан «зарур» китоб ва варақалар билан таъминланди. Уларни ўқиб чиққач, қиладиган ишининг тайини бўлмаган Осербой даромадли иш топганидан «Ҳизбут-таҳрир»га қўшилиш ва қўллаб-қувватлаш фикрини билдирди.

— Сен бизга Қорақалпоғистондаги тарафдорларимизни кенгайтириш ва Ўзбекистондаги конституцион тузумни ўзгартиришимизга кўмаклашишинг керак, — деди унга Умбетбой.

— Ўзингиз мен билан юринг, йўл кўрсатаман, деб жавоб берди Осербой.

Энди Қувончбойга келсак. У Олмаотадаги олий ўқув юртларидан бирида яхшигина ўқиб юрганди. Масжидга қатнаб, намоз ўқишни ўрганди. Шу ерда у «Ҳизбут-таҳрир» аъзоларидан бири билан танишди. 2005 йил февралда ташкилотга аъзо бўлди. Ўша йили ташкилот аъзоси бўлмиш Лаззат исмли қиз билан танишди ва унга уйланди.

Ҳуллас, «мушриф» билан «ҳизби» бад ниятларини амалга ошириш мақсадида Осербой билан бирга Қорақалпоғистонга йўл олишди.

Осербойнинг виждони қийналдими ёки Қозоғистонда уларнинг тазйиқи туфайли гуруҳга аъзо бўлганмиди, ҳар ҳолда поездга чиқиш арафасида «Мен, ҳозир, егулик олиб келаман» деганча вокзалдан узоқлашди ва қайтиб келмади...

Қорақалпоғистон Республикаси Жиноят ишлари бўйича Олий суди ушбу кимсаларнинг жиноят ишини атрофлича ўрганиб чиқди ва уларни тегишли жазога ҳукм қилди.

Шу тариқа бехосият ташрифга дарвозадаёқ якун ясалди.

Биз ҳаёт ва қадриятлар ҳақида етарли даражада тушунчага эга бўлмаган, эътиқоди суст айрим ёшларга сабоқ бўлсин учун ушбу жиноят тафсилотларини баён қилдик. Мақсадимиз, муқаддас ислом динини ниқоб қилиб, ўзларининг разил мақсадларига эришиш йўлида ҳар қандай жирканч қилмишлардан қайтмайдиган кимсаларнинг асл ниятлари юртимиздаги тинчлик ва барқарорликка, диний тотувлик ва бағрикенгликка раҳна солиш эканини яна бир бора таъкидлашдир. Юртимиз қадимдан лафзи ҳалол, имон-эътиқодда собит, фозил фарзандлари билан дунё эътибори ва эътирофига сазовор бўлиб келган. Қуёш шарқдан чиққани каби юртимиз улуғлари мисли қуёш бўлиб ислом нурини бутун оламга таратиб келишган. Бу ҳақиқатни нафақат биз, балки бутун дунё тан олади. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти – АЙСЕСКО томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши ҳам айни шу эътирофнинг намунаси эмасми?! Айрим иғволарга ишониб, динга бўлган муносабатга шубҳа билан қаровчи одамларга Юртбошимизнинг ушбу сўзлари сабоқ бўлиши керак: **«Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайриҳоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби – биринчи галда муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзодни доимо яхшилик ва эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аждодлардан авлодларга етказишдаги буюк ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ. Айни пайтда бу ҳолат динимизнинг умумбашарий маданият ва цивилизация, илму фан ривожига қўшган буюк ҳиссаси билан ҳам изоҳланади».**

Қ.ЕРАЛИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Жиноят ишлари бўйича Олий суди раиси

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Бобомурод РАЙИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Содиқов Хуршид Махмасиддиқович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Дилфуза РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-315. Тиражи — 4098.
Босишга топшириш вақти — 21.30 Топширилди — 0.20

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

2 3 4 5 6